

ЧИ ЦЗИЦЯН (迟子建) ИЖОДИДА РЕАЛИСТИК ТАМОЙИЛЛАР ТАБИАТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336004>

PhD. Назирова Шукрия Миадовна

Тошкент давлат шарқшунослик университети  
“Хитойшунослик” факультети, “Хитой филологияси” кафедраси доц.в.б.  
[doston088@mail.ru](mailto:doston088@mail.ru)

**Аннотация.** Мазкур мақола XX асрнинг сўнгги чорагида амалга оширилган ислохотлар, аҳоли сонининг кўплиги, бир маромдаги иқтисодий ўсиши ва бошқа омиллар Хитойни дунёнинг етакчи мамлакатлари сафига киришига, жаҳон сиёсати майдонида ўз овозига эга бўлишига сабаб бўлди. Буларнинг барчаси маданият, маънавият, санъат ва адабиётга ўзининг жиддий таъсирини кўрсатиши табиий ҳолатдир. Аср бошида Хитойдаги барқарор иқтисодий ўсиши ва нисбатан сиёсий барқарорлик хитой адабиётининг жамоатчилик ҳаётининг перефириясига қоришиб кетишига олиб келди. XX аср охириги ўн йиллигида бозор муносабатларининг жадаллашуви адабиётнинг деидеологизациясига, уни оммавий маданият билан тўқнашувига олиб келди ва тижорий рақобат шароитига қўйди. Бундай шароитда неореализм ривожланди, оддий инсон ҳаётини ҳеч қандай безаксиз, натуралистик тасвирлаш тамойили кузатилди ва аёллар адабиётида психологик наср ривожланди. Адабиёт анъаналарига қарши, ҳар қандай таъқиқ ва чекловларни инкор қилувчи «индивидуал услуб» тарафдорлари чиқди. Айнан шу ўн йилликда тижорий мақсадда эротика, саргузашт ва детектив руҳдаги кўплаб асарлар яратилди.

**Калит сўзлар:** Хитой, маданий инқилоб, Чи Цзицян, аёл тақдири, сиёсий муҳит

**Аннотация.** В данной статье показано, что реформы, проведенные в последней четверти XX века, большая численность населения, устойчивый экономический рост и другие факторы сделали Китай одной из ведущих стран мира и обрели свой голос в мировой политике. Естественно, что все это оказывает серьезное влияние на культуру, духовность, искусство и литературу. На рубеже веков устойчивый экономический рост и относительная политическая стабильность в Китае привели к тому, что китайская литература оказалась на периферии общественной жизни. В последнее десятилетие XX века ускорение рыночных отношений привело к деидеологизации литературы, ее столкновению с массовой культурой, поставило ее в условия коммерческой конкуренции. В таких условиях развивался неореализм, следовал принципу натуралистического изображения обычной человеческой жизни без всяких прикрас, в женской литературе развивалась психологическая проза. Сторонники «индивидуального стиля» выступали против литературных традиций, отвергая любые запреты и ограничения. Именно в это десятилетие было создано множество произведений эротического, приключенческого и детективного духа.

**Ключевые слова:** Китай, культурная революция, Чи Чжицзянь, судьба женщины, политическая среда

**Abstract.** This article shows that the reforms carried out in the last quarter of the twentieth century, a large population, steady economic growth and other factors have made China one of the leading countries in the world and have found their voice in world politics. Naturally, all this has a serious impact on culture, spirituality, art and literature. At the turn of the century, steady economic growth and relative political stability in China pushed Chinese literature to the fringes of

public life. In the last decade of the 20th century, the acceleration of market relations led to the deideologization of literature, its clash with mass culture, and placed it in conditions of commercial competition. Under such conditions, neorealism developed, followed the principle of a naturalistic depiction of ordinary human life without any embellishment, and psychological prose developed in women's literature. Supporters of the "individual style" opposed literary traditions, rejecting any prohibitions and restrictions. It was during this decade that many works of erotic, adventure and detective spirit were created.

**Key words:** China, cultural revolution, Chi Zhijian, fate of a woman, political environment

XXI аср дастлабки ўн йиллигида ҳам наср ва назмда кўплаб аёллар ижод қилди. Бу адибалар нафақат Хитой, балки хорижлик ўқувчи ва мунаққидлар эътиборига тушган, адабиёт соҳасидаги нуфузли мукофотларга сазавор бўлган адибаларнинг асарлари таҳлилга тортилди. Булар Тяо Йэ (乔叶), Лу Мин (鲁敏), Фан Сяотинг (范小青), Вэй Вэй (魏微), Чи Цзицян (迟子建) лардир. Уларнинг ижоди замонавий хитой реалистик адабиётининг бадиий баркамол намуналари бўлиши билан бирга аёллар адабиёти хусусиятларини ўзида акс эттирганлиги билан ҳам эътиборга моликдир. Бу давр аёллар насрида кисса, хикоя, эссе каби жанрлар етакчилик қилди.

XX асрнинг сўнги чорагида амалга оширилган ислохотлар, аҳоли сонининг кўплиги, бир маромдаги иқтисодий ўсиш ва бошқа омиллар Хитойни дунёнинг етакчи мамлакатлари сафига киришига, жаҳон сиёсати майдонида ўз овозига эга бўлишига сабаб бўлди. Буларнинг барчаси маданият, маънавият, санъат ва адабиётга ўзининг жиддий таъсирини кўрсатиши табиий ҳолатдир.

Аср бошида Хитойдаги барқарор иқтисодий ўсиш ва нисбатан сиёсий барқарорлик хитой адабиётининг жамоатчилик ҳаётининг перефириясига қоришиб кетишига олиб келди. XX аср охириги ўн йиллигида бозор муносабатларининг жадаллашуви адабиётнинг деидеологизациясига, уни оммавий маданият билан тўқнашувига олиб келди ва тижорий рақобат шароитига қўйди. Бундай шароитда неореализм ривожланди, оддий инсон ҳаётини ҳеч қандай безаксиз, натуралистик тасвирлаш тамойили кузатилди ва аёллар адабиётида психологик наср ривожланди. Адабиёт анъаналарига қарши, ҳар қандай таъқиқ ва чекловларни инкор қилувчи «индивидуал услуб» тарафдорлари чикди. Айнан шу ўн йилликда тижорий мақсадда эротика, саргузашт ва детектив руҳдаги кўплаб асарлар яратилди<sup>1</sup>. Адабиёт оламига XX асрнинг 70-йилларида туғилган ёзувчилар авлоди кириб келди. Шунингдек, бу даврда нисбатан катта авлод ҳам ўз ижодий фаолиятида давом этди. Умум адабиёт кесимида аёллар адабиёти сифат жиҳатдан катта ўзгаришларни бошидан кечирди. Энди ёзувчилар ўтган асрдаги каби сохта идеаллар, ислохотлар, синфий манфаатларни эмас, уларнинг инсонлар тақдирига таъсири, асоратлари ҳақида ёза бошладилар. Уларнинг асарларининг қаҳрамонлари сиёсий йўлбошчилар, раҳнаомлар эмас, оддий ишчилар, хизматчилар. Шаҳар ва қишлоқлардаги турмуш тарзининг қиёси, анъаналар ва янгиликларнинг тўқнашуви, инсонларнинг «янги дунё», мегополисларга мослашиши, одамларнинг маиший турмуш тарзидаги ўзгаришлар тасвири кенг ўрин эгаллади.

Адиба Чи Цзицян (迟子建) 1964 йили Хитойнинг Шимоли шаркидаги Хэйлунцзян провинциясида жойлашган Мохэ уездига қарашли Бэйцзицун қишлоғида таваллуд топди. 1987 йилда Пекин педагогика университетини тамомлади. Ўз ижодини 1983 йилдан бошлади. Адабиёт оламида

<sup>1</sup> Китайская проза XXI века. С.4

«Маньчжоуго кўғирчоқ давлати» (《伪满洲国》), «Булутлар оқлиги оралаб» (《越过云层的晴朗》), «Қор қарғалари» (《白雪乌鸦》), «Уфқни ларзага келтирар тонг кўнғироғи» (《晨钟响彻黄昏》) романлари, «Бэйци қишлоғи эртақлари» (《北极村童话》), «Ойдин тунларга сафар» (《踏着月光的行板踏》), «Оламдаги барча тунлар» (《世界上所有的夜晚》) ва бошқа ҳикоялар тўплами билан машҳур. Адиба уч маротаба Лу Син, энг яхши эссе учун бериладиган Бин Син ҳамда «Эргун дарёсининг ўнг қирғоғи» (《尔古纳河右岸》) романи учун нуфузли Мао Дун номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган. 2010 йилда адибага «Қор қарғалари» қиссаси учун «Халқ адабиёти» мукофоти берилди. Адибага хос бўлган асосий хусусиятлардан бири шуки, у ҳам ўзи туғилиб ўсган ўлка одамларининг ҳаёти ва турмуш тарзидан ҳикоя қилади, қаҳрамонлари ҳам асосан ўзининг ҳамюртларидир.

«Чўчка ёғи кўзаси» (《坛猪油》) ҳикояси тарихий-сиёсий мавзуда бўлиб, ундаги воқеалар 1956-1974 йиллар оралиғида содир бўлади. Ҳикоя сюжети асосида ўша йиллари кўплаб эрақлар қатори ишлаб пул топиб рўзғор тебратиш мақсадида ўрмонларга ишга кетган оилалар тақдири ётади. Бош қаҳрамонлардан бири - аёл эрининг талабига кўра барча нарсаларини сотиб, у яшаётган ҳудудга - ўрмонга етиб олиши керак. Уйдаги нарсаларни арзон гаровга сотган аёл уйини чўчка ёғи солинган кўзага алмаштиришга мажбур бўлади. Аёл эри оғир меҳнат шароитида ишлаётган ўрмонга жуда катта машаққатли йўлни босиб ўтиб етиб боради. Йўлда жуда катта олтин эвазига кўзани сотишни сўраган одамга таклифини рад қилади, аммо ўрмонга яқинлашганда отда кетаётиб қалқиб йиқилади ва кўза синиб кетади. Бир қарашда оддий маиший турмуш манзаралари билан бошланган ҳикоя воқеалар ривожини мобайнида тобора сиёсий тус ола бошлайди. Маданий инқилоб туфайли эр ва хотин яшаб ишлаб турган пайтда жуда катта ўзгаришлар бўлади. Ўша пайтда ўрмон ишлари гуруҳи раҳбари бўлиб ишлаб турган Пан тўртинчи фарзандини ўрмон шароитида дунёга келтиришда қийналган аёлини, тақиқларга қарамай, дарёнинг нарига қирғоғига, яъни советларнинг ҳудудидаги туғруқхонага олиб боришга рухсат бергани учун ишдан олинадиган ва қаттиқ жазоланади.

Ҳикояда Маданий инқилобгача ва ундан кейинги воқеалар бир нечта оила тақдири мисолида ёритиб берилди. Муҳими, шундай бир сиёсий жиҳатдан нотинч вазиятда ҳам инсонлар орасидаги меҳр-оқибат ва ҳамдардлик ҳисси йўқолмайди. Масалан, Цуй Далин ва Чэн Ин оиласи бунинг ёрқин исботидир. Бу оила фарзандсизликдан изтироб чекади. Цуй Далин ҳам Панга ёрдам берганликда айбланади. Унинг аёли ўқитувчи Чэн Ин атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан қаттиқ изтиробга тушади. Айниқса, эри томонидан никоҳ оқшомида берилган зумрад кўзли узукни йўқотиб қўйиши унинг руҳий тушқунликка тушишига олиб келади ва, охир оқибат, унинг жасадини дарёдан топишади. Хотинининг фожеали ўлими, ўзига қўйилган сиёсий айблов ва жазоланиши Цуй Далиннинг руҳиятига кучли таъсир кўрсатади.

Ҳикоядаги воқеалар ривожига қутилмаган эпизодларнинг киритилиши, воқеалар оқимидаги кескин бурилишлар ва тасодифлар асарни бир нафасда ўқишга ундайди. Қуйидаги парчада советлар ҳудудида туғилган бола (унинг лақаби Чумоли)нинг тутиб олган балиғининг қорнидан Чэн Ин йўқотган узук чиқишидир:

«我和蚂蚁赶紧用块手绢包了戒指去崔大林家，想把它还了。谁知崔大林见了戒指后看了一眼就哭了，说，这是命啊，命啊，我不能要这戒指了...»<sup>2</sup>

<sup>2</sup>迟子建：《坛猪油》.- 西部华语文学出版社，2008 年。

*«Биз Чумоли билан тезда узукни дастрўмолга ўрадик ва Цуй Далиннинг олдида олиб бордик. Мақсад уни қайтариб бериш эди. Ким билибди, у узукни кўриши билан йиглаб юборишини. Бу тақдир! Тақдир! Менга бу узук энди керак эмас, деб хўнгради »*

Цуй Далиннинг « узук энди керак эмас» дея хўнграб йиглаб юбориши

сабаби ҳикоя сўнгида маълум бўлади: узук аслида синиб кетган кўза ичидан чиққан бўлиб Далин ўшанда зумрад кўзли бу қимматбаҳо узукни Чэн Инга билдирмай ўзига олган эди. Бу ечим Чэн Инга кўза эгаси кўзани бераётиб «кўзани ҳеч кимга берма» деб қатъий уқдирганнинг сабабига ҳам аниқлик киритади. Кўза эгаси чўчка ёғининг ичига шу қимматбаҳо узукни солиб берган эди.

Ҳикоянинг сюжети айнан эртақлар сюжетини эслатади. Кўза, балиқ, узук каби деталлардан фойдаланиш, кўзанинг синиши, балиқнинг қорнидан узукнинг чиқиши каби тасодифлар фикримизнинг исботидир. Шунингдек, қадимги хитой афсонасига кўра, одамлар балиқ қорнига қандайдир хабарларни қолдириб кетишган, шу тариқа балиқ дўст ва сеvimли ёр билан алоқа рамзи бўлиб ҳам ҳисобланади. Адиба бу афсонанинг моҳиятидан ижодий фойдаланган бўлиши мумкин.

Шунингдек, ҳикояда халқ орасида мавжуд ирим-сирим, баъзи урф- одатлар ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Цуй Далин ва Чэн Иннинг никоҳ оқшомида хитойликларда мавжуд бир одат – ёш боланинг келин-куёв чойшабини тепкилаб бериши расми ҳақида маълумот берилади. Бу вазифани Чумолига топширишади. Лекин негадир ўша маросимдан кейин унинг қорни оғрийди. Кейинчалик ёш оила фарзанд кўришмагач, Чумолининг қорни ўша куни бежиз оғримаган экан, деб ўша маросимни эслашади.

Ҳикоядан англашиладики, миллий урф-одатлар, удумлар, маросимлар одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида чуқур ўрнашган ва уларнинг ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Юқорида баён этилганлардан маълум бўладики, барча адибалар ижодини бирлаштириб турувчи ягона хусусият бу уларнинг реалистик ижодий методда ҳаётнинг кенг қамровли манзараларини тасвирлашидир. Шунингдек, асар қаҳрамонларини танлашда ҳам улар асосан ўзлари яшаган ҳудуд одамлари, замондошлари, оддий инсонлар қиёфасини гавдалантирадилар. Маиший турмуш, кундалик ҳаёт тарзи тасвири орқали тарихий воқеликнинг реал манзаралари бадиий жонлантирилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Китайская проза XXI века. Перевод с китайского языка. Составители А.А. Родионов, Н.А.Спешнев. – СПб.:КАРО, 2011.
2. Асланов Р.М. Три модели и перспективы социализма в КНР//Восток-Россия-Запад: Ист. и культурол.исслед: К 70-летию акад. В.С.Мясникова. – М., 2001
3. Бергстен Ф., Гилл Б., Ларди Н., Митчелл Д. Китай. Что следует знать о новой сверхдержаве. – М.: Институт комплексных стратегических исследований, 2007
4. Бондарева В.В. Культура и «культурная революция» в КНР (1966-1976 гг.): соотношение понятий/ В.В.Бондарева// Гарни 2004: материалы Научной сессии ФИСМО (факультет истории, социологии и международных отношений). – Краснодар: Кубанский государственный университет, 2004
5. 辉群:《女性与文学》.-上海:启智书局,1928年
6. 黄英:《中国现代女作家》-上海:北新书局,1931年
7. 草野:《中国现代女作家》-上海:人文书局,1932年
8. 8.黄人影:《当代中国女作家论》-上海:上海光华书局,1933年
9. 9.迟子建:《坛猪油》.-西部华语文学出版社,2008年.

10. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 1-10.
11. Ashiralievich, V. A., & Vasilovna, M. K. (2020). The interactive means of learning oriental languages. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(3), 78-86.
12. Омонов, К. Ш. (2015). Типы деловых документов в истории старотюркского литературного языка. *Paradigmata poznani*, (3), 71-74.
13. Khalmurzaeva, N. T. (2021). CONTRAST DESCRIPTION OF JAPANESE AND CHINESE VERBAL COMMUNICATIVE BEHAVIOR. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES (2767-3758)*, 2(12), 170-176.
14. Насирова, С. А. (2020). Генезис общественно-политической терминологии китайского языка через призму истории китайской дипломатии. *Modern Oriental Studies*, 2(2), 22-33.
15. Хашимова, С. А. (2022). О НЕКОТОРЫХ ОСОБЕННОСТЯХ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОГО АСПЕКТА КОММУНИКАЦИИ (НА ПРИМЕРЕ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА). *SO 'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI*, 1(1), 85-91.